

# АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

**Мавлудахон ХОДЖАЕВА,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** мақолада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатининг назарий асослари, категория ва таърифлари, ҳуқуқий тизими ҳамда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ретроспектив таҳлил қилинган. Тадқиқотда халқаро таърифлар, миллий қонунчилик, 1930-2023 йилларда қабул қилинган асосий норматив ҳужжатлар ва статистик маълумотлар ўрганилиб, рақамлаштириш жараёнларининг устун, заиф ва ҳал этилиши лозим бўлган йўналишлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ҳимоя, ижтимоий сиёсат, пенсия таъминоти, нафақа, ижтимоий суғурта, кам таъминланганлик, Ижтимоий ҳимоя ягона реестри, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги.

## Ретроспективный анализ теоретико правовых основ социальной защиты населения

**Мавлюдахон Ходжаева,**

независимый исследователь Академии государственной  
политики и управления при Президенте Республики Узбекистан

**Аннотация:** в статье осуществлён ретроспективный анализ теоретических основ, понятийного аппарата и правовых механизмов социальной защиты населения, а также этапов формирования и институционализации системы социальной защиты в Узбекистане. В исследовании изучены международные определения, национальное законодательство, основные нормативные документы и статистические данные Республики Узбекистан, принятые в 1930-2023 годах, определены приоритетные, слабые и требующие решения направления процессов цифровизации.

**Ключевые слова:** социальная защита, социальная политика, пенсионное обеспечение, пособие, социальное страхование, малообеспеченность, Единый реестр социальной защиты, Национальное агентство социальной защиты.

## “A retrospective analysis of the theoretical aspects and legal foundations of social protection policy for the population”

**Mavludakhon Khodjaeva,**

Independent Researcher at the Academy of Public Policy and Administration under  
the President of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** the article presents a retrospective analysis of the theoretical foundations, conceptual definitions and legal mechanisms of social protection policy, as well as the stages of formation of the social protection system in Uzbekistan. The study examined international definitions, national

legislation, main regulatory documents adopted in 1930-2023, and statistical data, identifying priority, weak, and addressing areas of digitalization processes.

**Keywords:** social protection, social policy, pension provision, benefit, social insurance, low-income status, Unified Register of Social Protection, National Agency for Social Protection.

Мамлакат аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда давлатларда ижтимоий барқарорликни таъминлашда давлатнинг биринчи даражали вазифаси кучли ижтимоий сиёсат юритиш орқали аҳоли фаровонлиги, моддий аҳволи ҳамда турмуш даражасини узлуксиз ошириб боришдир.

Ижтимоий ҳимоя сиёсати – бу давлат томонидан мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағаллик ва аҳоли ўртасидаги келиб чиқиши мумкин бўлган кучли иқтисодий тенгсизликнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими. Шунингдек, ижтимоий сиёсат жамият тузилмаларининг барча элементларини жамият ривожланишининг муайян босқичларида содир бўладиган хавфлардан ҳимоя қилишга қаратилади.

Ижтимоий сиёсат давлат ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида қуйидаги мақсадларни ўз ичига олади: ижтимоий суғурталаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ишсизлик даражасининг ошиб кетишига йўл қўймаслик, турмуш даражасини ошириш, ижтимоий зиддиятларни юмшатиш ёки бартараф этиш ва жамиятда муайян мувозанатга эришиш кабилар.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозлар, демографик ўзгаришлар, меҳ-

нат миграцияси, шунингдек, пандемиялар шароитида ижтимоий ҳимоя тизимларини модернизация қилиш, уларни рақамлаштириш ва манзиллиликни таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ягона институционал моделни шакллантириш ва ягона ахборот тизимларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияси XIX аср охирида пайдо бўлиб, социал атама сифатида XX асрнинг 30-йилларида юзага келган. “Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонунида қўлланилган. Унга кўра, давлатда ишчилар учун қариллик нафақалари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар қурбонлари учун нафақалар, ишсизлик суғуртаси, қарамоғида ёш болалари бўлган оналарга, шунингдек, кўзи ожиз ва ногиронлиги бор инсонларга ёрдам бериш тизими ўрнатилди [1].

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича 1927 йилда ташкил этилган Халқаро Ижтимоий хавфсизлик ассоциацияси дунёда муҳим ўрин тутди. Ушбу ташкилот дунё аҳолиси ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун қуйидагиларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг глобал сиёсатини амалга ошириш ва уни миллий, минтақавий ва халқаро иқтисодиётга мослаштириш;

- ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш;

- ижтимоий ҳимоянинг халқаро усулларини глобаллаштириш мақсадида турли мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маъмурий институтларни жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича миллий ва ҳудудий институтлар ўртасида алоқалар ўрнатиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича давлатлар томонидан амалга оширилаётган турли чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

- ижтимоий тизимларни амалга оширишнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро ташкилотлар ўртасида учрашувлар ўтказиш;

- глобаллашув ва ижтимоий ҳимоянинг халқаро тамойилларини давлат ҳуқуқий тизимларига жорий этиш бўйича форумлар, илмий семинарлар ва конференциялар ўтказиш;

- ижтимоий таъминот соҳасидаги халқаро қонунчиликни таҳлил қилиш;

- ижтимоий таъминот механизмларини шакллантириш (ижтимоий таъминотнинг учта шаклини белгилайди: ижтимоий суғурта, ижтимоий ёрдам, ижтимоий хизматлар) ва бошқалар [2].

“Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси – кўп қиррали ва катта қамровга эга тушунча. Ушбу тушунчага ташкилотлар ва соҳа мутахассислари томонидан кўплаб таърифлар келтирилган (1-жадвал).

Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда “ижтимоий ҳимоя” тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини бериш мумкин:

**Ижтимоий ҳимоя** – давлат ва жамият томонидан мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳат-

дан ёрдамга муҳтож қисмига (қарилик, касаллик, боқувчисини йўқотганлик, ногиронлик, ишсизлик ёки озиқ-овқатга муҳтожлик) ўзининг ижтимоий аҳволини яхшилаб олиши учун бериладиган ёрдам.

Шунингдек, илмий адабиётларда ижтимоий ҳимояга давлат томонидан аҳоли ҳаётининг фаровонлигини тўхтовсиз яхшиланиб боришини таъминлаш, инсонларнинг таълим, касб малакаси ва даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш деган тушунча ҳам мавжуд.

Давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоя: пенсия, нафақа, моддий ёрдам, қариялар, беморлар, ногиронларга имтиёзли хизмат кўрсатиш ҳамда болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсат бир қанча кафолатланган ижтимоий ҳимоя дастурларини ўз ичига олади [9]. Ушбу дастурларни икки йўналишга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Бунда **биринчи йўналишда** (ижтимоий ёрдам ва ижтимоий таъминот дастурлари) фуқароларга зарур бўлган ижтимоий ёрдамлар кўрсатилади (пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, баъзи имтиёзларни бериш).

**Иккинчи йўналишда** (ижтимоий хизматлар ва меҳнат бозоридаги фаол чора-тадбирлар дастурлари) эса, фуқароларга ижтимоий-тиббий хизматлар кўрсатиш, реабилитация қилиш, ишга жойлашишлари ҳамда даромад манбаларига эга бўлишлари учун иш ўринлари ва ишлаш шароитларини яратишга асосий эътибор қаратилган.

Иккинчи йўналишни ривожлантириш кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг моддий



**“Ижтимоий ҳимоя” тушунчасига таърифлар**

Т/р	Муаллифлар	“Ижтимоий ҳимоя” тушунчасига таърифлар
1.	1935 йилдаги АҚШнинг Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонуни	Ишчилар учун қариллик нафақалари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар қурбонлари учун нафақалар, ишсизлик суғуртаси, қарамоғида ёш болалари бўлган оналарга, шунингдек, кўзи ожиз ва ногиронлиги бор инсонларга ёрдам бериш.
2.	Халқаро Ижтимоий хавфсизлик ассоциацияси	Давлат томонидан ишсизлик, касаллик, ногиронлик, оналик, қариллик, нафақага чиқиш, боқувчисини йўқотиш, соғлиқни сақлаш, профилактика, реабилитация, меҳнат вақтида олинган жароҳат учун фуқароларга бериладиган ёрдам.
3.	Халқаро меҳнат ташкилоти	Давлатнинг аҳолига қариллик, ишсизлик, боқувчисини йўқотганлик, ногиронлик, касаллик ҳолатлари, жумладан, меҳнат вақтида олинган жароҳатлар учун тиббий хизматдан фойдаланиш ва даромадларининг хавфсизлигини таъминлаши.
4.	А. Храмченко	Ҳаётнинг минимал талаб даражаси ва сифатини таъминлаш орқали ижтимоий хавф мавжудлиги билан боғлиқ вазиятларни ташхислаш, салбий таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи [3].
5.	К. Доев	Инсоннинг нормал ҳаётини таъминлаш мақсадида давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи, яъни жамиятнинг замонавий ривожланиш стандартлари даражасида унинг ҳаётини товарларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир [4].
6.	И. Нусратуллин	Давлатнинг ёрдамга муҳтож фуқароларга ғамхўрлик қилиши, уларга қариган вақтда, соғлиғини йўқотганида ҳамда ҳаёт кечириши учун етарли даражада имкониятларга эга бўлмаганида ёрдам кўрсатишидир [5].
7.	К.Х. Абдураҳмонов, Х.Т. Тоҳирова ва Б.М. Шарипов	Давлатнинг аҳолига нормал ҳаёт фаолияти учун берадиган шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир [6].
8.	П.З.Хошимов ва Ш.Е.Абдуллаев	Давлат томонидан ҳаёт кечириш ва меҳнат қилиш, кам таъминланган қатламларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган мақсадли кафолатларни амалга ошириш жараёнидир [7].
9.	М. Нурмуҳаммедов	Мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуидир [8].

аҳволини яхшилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Чунки инсон ишлаб, даромад топа олса, ўз оиласи эҳтиёжларини қоплайди ҳамда давлат томонидан бериладиган моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолмайди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг яшаш шароити ҳамда ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида ижтимоий ёрдам дастурлари амалга ошириб келинмоқда. Бу дастурлар ўз ичига кўплаб ижтимоий ёрдам турларини қамраб олади, хусусан, 2025 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 4 миллион 241,8 минг нафар фуқаро пенсия ҳамда 721 минг нафар фуқаро турли ижтимоий нафақалар олмоқда. Хусусан:

ёшга доир пенсия олувчилар – 3 миллион 514,1 минг нафар;

ногиронлик пенсияси олувчилар – 482,1 минг нафар;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи оилалар – 245,6 минг нафар;

ногиронлиги бор, 18 ёшгача бўлган фуқароларга болалар нафақаси – 170 минг 347 нафар;

ногиронлик нафақаси олувчилар – 318 минг 680 нафар;

парваришlash нафақаси олувчилар – 73 минг 146 нафар;

ёшга доир нафақа олувчилар – 91 минг 780 нафар;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчилар – 57 минг 177 нафар;

кексалар ва ногирон шахсларга бериладиган моддий ёрдам олувчилар – 8 минг 323 нафар;

уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тайинланган фуқаролар – 5 минг 293 нафарни ташкил қилган [10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғри-

сида”ги 82-сон Фармони асосида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўз фаолиятини бошлади [11].

Бугунги кунда Агентлик томонидан тайинланаётган ижтимоий нафақалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон қарори асосида “Ижтимоий ҳимоя реестри” ахборот тизими томонидан кам таъминланган деб эътироф этилгандан сўнг берилади [12]. Ижтимоий нафақа бу кам таъминланган оилаларнинг болалари учун бериладиган нафақа ва моддий ёрдам ҳисобланади [13].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тизими ҳуқуқий асосларининг ретроспектив таҳлилига кўра, ушбу тизимнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш даврини қуйидаги 8 та босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хусусан:

**Биринчи босқич** 1930 йилдан 1991 йил 14 январгача бўлган даврларни қамраб олган бўлиб, бу даврда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими Совет Иттифоқида қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида амалга оширилган.

Жумладан, 1930 йилда СССРда пенсия ва ижтимоий суғурта тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Шунингдек, 1932 йилда пенсияга чиқиш ёши аёллар учун – 55 ёш, эркеклар учун – 60 ёш қилиб белгиланган.

1956 йилда Иттифоқнинг “Давлат пенсиялари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Қонун кексалик, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик учун пенсия таъминотини, ёш ва иш стажига қўйиладиган талабларни, шунингдек, барча фуқаролар учун пенсия ҳисоблашнинг



ягона тартибини кафолатлади. Қонунга асосан, пенсия миқдори ва нафақага чиқиш вақтига бир нечта омиллар таъсир кўрсатиши белгилаб қўйилди. Жумладан, ишлаб чиқаришдаги зарарли меҳнат шароитларида, оғир иқлим шароитида ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишда ишлаш (шифокор ва ўқитувчилар) пенсия миқдори ҳамда нафақага чиқиш вақтига таъсир кўрсатадиган бўлди.

**Иккинчи босқич** 1991 йил 14 январдан 1992 йил 8 декабрда бўлган даврларни қамраб олган бўлиб, бу даврнинг ўзига хос хусусияти мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширила бошлади.

Ўзбекистон СССРда биринчи марта Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 14 январдаги 9-сонли қарори билан СССР Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси бўлими ташкил қилиниб, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- СССРнинг “СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги ва “Ҳарбий хизматчиларни пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ пенсияларни тўлаш, шунингдек, болалар нафақаларини тўлаш учун харажатларни молиялаштиришни таъминлаш;

- республика ҳудудидаги тўловчилар томонидан СССР Пенсия жамғармасига суғурта мукофотларини ўз вақтида ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш;

- солиқ органлари билан биргаликда суғурта бадалларининг жамғарма ҳисобварақларига ўз вақтида ва тўлиқ тушиши устидан назоратни амалга ошириш;

- республика бўлимининг тасдиқланган бюджетига мувофиқ СССР Пенсия жамғармаси маблағларининг оқилона сарфланишини таъминлаш ва бошқалар.

**Учинчи босқич** 1992 йил 8 декабрдан 1993 йил сентябрь ойигача бўлган даврларни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда мустақил давлат сифатидаги янги Конституцияси қабул қилинди. Шунингдек, бу даврдан бошлаб қабул қилинган янги Конституцияга таянилган ҳолда ижтимоий соҳа тизимлари қайтадан шакллантирила бошлаган.

Жумладан, Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Касаба уюшмалари федерацияси Республика кенгашининг 1993 йил 4 августдаги 391-сонли қарори билан собиқ СССР Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси бўлими базасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил қилинди. Шунингдек, Жамғарма асосида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши тизимидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, фарзанд туғилганда, дафн этишга бериладиган нафақаларни тўлашга йўналтириладиган давлат ижтимоий суғурта маблағлари берилиши белгиланди.

Шу билан бирга, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда, ижтимоий таъминланишдан иборат, шунингдек, конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Юқорида келтириб ўтилган пенсия таъминоти соҳасидаги миллий Қонуннинг қабул қилиниши билан ижтимоий ҳимоя соҳаси тобора аниқ йўналтирил-

ган кўринишга эга бўлиб борди. Шунингдек, Қонуннинг қабул қилиниши натижасида заиф аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳимояси аста-секин кучайтириб борилди.

1993 йил 30 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 476-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги тузилди [14]. Ушбу вазирлик пенсионерларни, ногиронларни, вояга етмаган болалари бўлган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириши белгилаб қўйилди.

**Тўртинчи босқич** 1993 йилнинг сентябрь ойидан 2001 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда, асосан, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчилик тизимлари барпо этилди, шунингдек, аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоялаш тизимлари ва механизмлари яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармаси ташкил қилинди [15].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди [16].

2001 йилда Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги тузилди. Вазирликнинг асосий вазифаси сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни назорат қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида

ягона умумдавлат сиёсатини юритиш, ишсизлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, Республика ишчи кучидан фойдаланиш бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти, бошқа давлатларнинг меҳнат органлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш белгиланди.

**Бешинчи босқич** 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда ижтимоий соҳа, асосан, аниқ йўналтирилган кўринишларга эга бўлиб борди.

Хусусан, 2005 йил 1 январдан бошлаб, амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди [17].

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сонли қарори билан 2005 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли ва аниқ сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, шунингдек бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини самарали бошқаришни ташкил этиш эди [18].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони билан 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб, пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий



бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу Фармон билан Пенсия жамғармасига қуйидаги асосий вазифа ва функциялар юклатилди:

- фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

- пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

- пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингни олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъиян мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

- меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларни тўлашга маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил қилиш ва бошқалар [19].

**Олтинчи босқич** 2010 йилдан 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда мамлакатни ривожлантириш учун стратегия қабул қилинди ва шу стратегияда ижтимоий ҳимоя соҳасига алоҳида урғу берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан бешта устувор йўналишга эга бўлган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Стратегиянинг тўртинчи боби: “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб белгиланди. Шунингдек, қуйидаги-

лар ушбу бобнинг асосий йўналиши сифатида кўрилди:

- аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;

- арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш;

- таълим ва фан соҳасини ривожлантириш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги ПК-4797-сон қарори билан 2020 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари босқичма-босқич “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими воситасида амалга оширилиши белгилаб қўйилди [20].

**Еттинчи босқич** 2020 йилдан 2023 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имконияти соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириб борилди. Шунингдек, бу даврда ижтимоий ёрдам олувчи фуқароларнинг сони ҳамда моддий ёрдам миқдори кўпайтириб борилди.

Хусусан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да кам таъминланган фуқароларнинг рўйхатлари шакллантирилди ҳамда уларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаб, бу даражадан

чиқишларига қаратилган ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони қабул қилинди. Стратегиянинг 53 ҳамда 54-мақсадлари аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу мақсадларни амалга ошириш орқали 2026 йилгача қуйидаги натижаларга эришиш кўзланган:

- аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш;

- мажбурий ижтимоий кафолатлар бўйича қонунчиликни тизимлаштириш ва такомиллаштириш, белгиланган ижтимоий ҳимоянинг қатъий таъминлашини назорат қилиш;

- мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

- фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш;

- халқаро тамойил ва стандартларга мувофиқ кўп босқичли ва давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш;

- фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилмасдан идоралараро электрон маълумот алмашинуви асосида пенсия тайинлаш тизимига ўтиш [21].

Шу билан бирга, 2022 йил 25 июлда ПФ-175-сонли Президент Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси” қабул қилинди. Ушбу Фармон билан стратегияда қуйидаги 6 та йўналиш Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;

- мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

- аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

- ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;

- аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;

- ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш [22].

**Саккизинчи босқич** 2023 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олиб, ижтимоий ҳимоя соҳасига эътибор аввалгига нисбатан кучайтирилди ҳамда соҳани ривожлантириш учун алоҳида агентлик тузилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 июндаги ПФ-82-сон Фармони билан мамлакатда



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, шунингдек, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Фармонга асосан, Агентлик қуйидаги йўналишларда фаолият олиб бориши белгилаб қўйилди:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналиши;

- ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналиши;

- вояга етмаган болаларни ҳимоя қилиш йўналиши;

- аёлларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш йўналиши;

- оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш йўналиши;

- ёшлар билан ишлаш йўналиши;

- якка ёлғиз ва кексалар билан ишлаш йўналиши;

- ижтимоий таъминот дастурлари йўналиши [23].

Шунингдек, мазкур даврда **5 та** йўналиш бўйича **100 та** мақсадни ўз ичига олган **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** тасдиқланди. Стратегиянинг биринчи, асосан, ижтимоий масалаларни ўз ичига олган **“Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш”** йўналиши ўзида **44 та мақсадни** қамраб олган.

Бу эса кейинги йилларда ҳам мамлакатимизда стратегия доирасида, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, камбағалликни қисқартириш ва бандлик масалаларида улкан ислоҳотлар амалга оширилишини англатади.

**Жумладан, Стратегиянинг 22-Профессional ижтимоий хизматларни кўр-**

**сатиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ислоҳотлар доирасида** аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари доирасига муҳтожларнинг барчаси тўлиқ қамраб олиншига эришиш, республиканинг барча туман ва шаҳарларида **“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари** фаолиятини ташкил қилиш вазифалари белгиланган эди. Бугунги кунга келиб, республиканинг барча туман ва шаҳарларида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилиб, улар томонидан аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими тўлиқ йўлга қўйилди.

Шунингдек “Ўзбекистон-2030” стратегиясида келгусида муҳтож, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш даражасини **100 фоизга** етказиш, тўсиқларни бартараф этиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларни муносиб иш билан таъминлаш ва самарали бандликни кенгайтиришга йўналтирилган қулай шарт-шароит яратиш орқали уларнинг бандлигини **2 баробарга ошириш мақсад қилинган** [24].

Яна бир муҳим ҳужжат, 2023 йил 30 апрелда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига тааллуқли нормалар 3 баробар кўпайди. Энг муҳими, Асосий Қонунимизда биринчи марта “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” (1-модда) деган норма белгиланди.

Ижтимоий давлат, деганда, аввало, ўз фуқароларига муайян минимал фаро-

вонликни кафолатлайдиган давлат тушунилади. Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсади – ҳар бир фуқарога ғамхўрлик қилиш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашдан иборат.

Юқоридаги саккизта босқичнинг асосий жиҳатларини қуйидаги жадвал кўринишида ҳам кўриб чиқишимиз мумкин (2-жадвал).

Олиб борилган ретроспектив таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожланиши шартли равишда уч йўналишда намоён бўлади.

**Биринчидан**, қонунчилик ва институционал базанинг шаклланиши – дастлаб, Совет Иттифоқи қонунчилик меросини қабул қилиш ва адаптация қилиш, кейин эса миллий ҳуқуқий тизим ва

## 2-жадвал

### Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тизими ҳуқуқий асосларининг ретроспектив таҳлили

Босқич	Давр – йиллар кесимида	Асосий хусусиятлар
I	1930-1991 й. 14 январь	СССР қонунлари асосидаги тизим. “Давлат пенсиялари тўғрисида”ги Қонун (1956 й.) пенсия ҳисоблашнинг ягона тартибини кафолатлади.
II	1991 й. 14 январь – 1992 й. 8 декабрь	Ўзбекистон Республикаси томонидан ижтимоий ҳимояни амалга ошириш бошланди. СССР Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон бўлими ташкил этилди.
III	1992 й. 8 декабрь – 1993 й. сентябрь	Янги Конституция қабул қилинди (1992 й.). Ижтимоий суғурта жамғармаси, кейинчалик Ижтимоий таъминот вазирлиги тузилди.
IV	1993 й. сентябрь – 2001 йиллар	Қонунчилик тизими барпо этилди. Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармаси ташкил қилинди ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.
V	2001-2010 йиллар	Аниқ йўналтирилган тизим. Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги тузилди. Жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди (2005 й.).
VI	2010-2020 йиллар	2017-2021 й. Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Ижтимоий нафақаларни <b>Ижтимоий ҳимоя ягона реестри</b> орқали тайинлаш йўлга қўйилди (2020 й. 1 сен.).
VII	2020-2023 йиллар	Рақамлаштириш ҳисобига ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинди.
VIII	2023 й. – ҳозирги кунга қадар	Соҳага эътибор кучайтирилди. 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистонга ижтимоий давлат мақоми берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида <b>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги</b> ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди (ПФ-82-сон, 2023 й.). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони қабул қилинди.



алоҳида вазирликлар, жамғармаларни барпо этиш орқали миллий ижтимоий ҳимоя модели шакллантирилди.

**Иккинчидан**, манзиллилик ва молиявий барқарорликка ўтиш – пенсия таъминотининг жамғариб бориладиган моделига ўтиш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини ташкил қилиш, ижтимоий ёрдам дастурларини аниқ мақсадли гуруҳларга йўналтириш орқали тизимнинг молиявий барқарорлиги ва адресатлилиги оширилди.

**Учинчидан**, рақамлаштириш ва интеграция – “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, турли “дафтар”лар, ахборот тизимлари орқали маълумотларни рақамлаштириш, идоралараро электрон маълумот алмашинуви ва пенсия – нафақа тайинлашда инсон омилини камайтириш тенденцияси кучайди.

Шу билан бирга, рақамлаштириш жараёнлари бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда:

- маълумотлар базасини доимий янгилаб борилмаётгани, кам таъминланганлик мезонларини аниқлашда шаффофликни таъминлашдаги айрим камчиликларнинг мавжудлиги;

- ахборот тизимларидан фойдаланишда маҳаллий даражада кадрлар салоҳияти ва техник инфратузилманинг етарли эмаслиги;

- ижтимоий хизматларни “бир дарча” тамойили асосида интеграция қилиш ҳали тўлиқ амалга оширилмагани.

Илмий адабиётлар таҳлили миллий тажриба билан қиёсланганда, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя моделининг босқичма-босқич комплекс, кўп босқичли ва рақамлаштирилган тизимга трансформация қилинаётганини кўрсатади. Бунда халқаро стандартлар (Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро Ижтимоий хавфсизлик ассоциацияси тавсиялари)га мос қонунчиликни тизимлаштириш, мажбурий ижтимоий кафолатлар-

ни аниқ белгилаш ва уларни амалга ошириш механизмларини кучайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

**1.** “Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси кўп қиррали бўлиб, уни институт, тизим ва чора-тадбирлар мажмуи сифатида қамраб оладиган муаллифлик таърифи миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар билан уйғунлашади.

**2.** Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими ривожланишининг 8 босқичдан иборат тарихий модели тизимдаги эволюцияни – совет меросидан мустақил миллий моделгача бўлган жараённи яхлит ифода этади.

**3.** 2020 йилдан кейинги босқичда ижтимоий ҳимоя тизимини рақамлаштириш, ахборот тизимларини жорий этиш ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини ташкил этиш соҳада бошқарувни марказлашган, лекин бир вақтнинг ўзида аҳолига яқин (“маҳалла даражасида хизмат кўрсатиш”) қилишга хизмат қилмоқда.

**4.** Рақамлаштиришнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, маълумотлар сифатини таъминлаш, шаффофлик, идоралараро ҳамкорлик ва кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича қўшимча чора-тадбирлар талаб этилади.

**5.** Келгусида ижтимоий ҳимоя тизimini янада такомиллаштириш учун:

- ижтимоий ёрдам ва хизматлар пакетини инсоннинг ҳаётий цикли (болалик, меҳнат фаоллиги, қарилик)га мос равишда тартибга солиш;

- пенсия ва нафақалар миқдорини иқтисодий ўсиш суръатлари ва инфляция даражаси билан мувофиқлаштириш;

- ижтимоий ҳимоя тизими самардорлигини баҳолаш учун индикаторлар (қамров, манзиллилик, қониқиш даражаси, камбағалликнинг камайиши ва ҳ.к.)ни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Social Security Act (1935). URL:<https://www.archives.gov/milestone-documents/social-security-act>
2. Ефремкина В.И. Международная ассоциация социального обеспечения. // <https://eulaw.edu.ru/publikatsii/stati-po-pravu-evropejskogo-soyuza/mezhdunarodnaya-assotsiatsiya-sotsialnogo-obespecheniya-efremkina-v-i/>
3. Храменко А. Понятие и сущность системы социальной защиты населения. // Вестник науки. Выпуск 6 (63) Том. 4. – Москва: 2023. Downloads/[ponyatie-i-suschnost-sistemy-sotsialnoy-zaschity-naseleniya.pdf](https://vestnik-nauki.ru/downloads/ponyatie-i-suschnost-sistemy-sotsialnoy-zaschity-naseleniya.pdf).
4. Доев К. Система социальной защиты населения и методы ее совершенствования. Дисс. канд. экон.наук. – Владикавказ: 2011.
5. Нусратуллин И. Особенности становления системы социальной защиты в транзитивной экономике. Дисс. канд. экон.наук. – Челябинск: 2006.
6. Абдурахмонов Қ.Ҳ., Тоҳирова Х.Т., Шарипов Б.М. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ. – 2005. – 9 б.
7. Хошимов П.З. ва Абдуллаев Ш.Е. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асослари. // Меҳнат бозори ва ижтимоий муҳофаза. – Т., 2012.
8. Нурмухаммедов М. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ислохотлар замирида. // Science and innovation. Том 4. – Т., 2022. – 138-142 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-175-сонли Фармони.
10. Ижтимоий нафақа олувчилар сони 720 мингдан ошди. [https://uza.uz/ru/posts/izhtimoiy-nafaqa-oluvchilar-soni-720-mingdan-oshdi\\_768426](https://uza.uz/ru/posts/izhtimoiy-nafaqa-oluvchilar-soni-720-mingdan-oshdi_768426)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.06.2023 йилдаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси. URL: <https://lex.uz/docs/6480342>
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.10.2021 йилдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги 654-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/5688101>
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.10.2021 йилдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги 654-сон қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.1993 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги тўғрисидаги низомни, ҳудудий ижтимоий таъминот бошқармаси, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 476-сон қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.12.1996 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 459-сонли қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2000 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сонли қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.12.2004 йилдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.10.2004 йилдаги “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 490-сонли қарори.



19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2009 йилдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4161-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.08.2020 йилдаги “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4797-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. URL:<https://lex.uz/docs/5841063>

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-175-сонли Фармони.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.06.2023 йилдаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сонли Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/6480342>

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>